



Kattaqo'rg'on tumani, Kadan qo'rg'oni
Mustaqillik ko'chasida, 33-uy

33, Mustaqillik street, Kadan township,
Kattakurgan district

Тел: (0-366) 414-31-19,

e-mail: i.kattakurgan@sud.uz

Ўзбекистон Республикаси Номидан
Суд қарори

2023 йил 13 март

Каттақўрғон тумани

4-1402-2302/532-сонли иш

Каттақўрғон туманларaro иқтисодий суди, судья М.Тоғаевни раислигида,
судья ёрдамчиси Ж.Сағдуллаевни суд мажлиси котиблигида,

кредит қарздорлик, 85 192 000 сўм муддати ўтган кредит қарздорлик ва унга ҳисобланган
фоиз қарздорликни ундириш, ундирувни жавобгарга тегишли бўлган гаров
мулкига қаратиш тўғрисидаги даъво аризаси ва унга илова қилинган
ҳужжатларни даъвогар банк вакили ишончнома асосида)ни
иштирокида, ўз биносида, очик суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А н и қ л а д и :

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси акциядорлик тижорат
банки (кейинги ўринларда даъвогар деб аталади) манфаатида Каттақўрғон
туманларaro иқтисодий судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар
“ ” масъулияти чекланган жамияти (кейинги ўринларда
жавобгар деб аталади)дан сўм муддати келмаган кредит қарздорлик,
муддати ўтган кредит қарздорлик ва унга ҳисобланган
сўм фоиз қарздорликни ундириш, ундирувни жавобгарга тегишли бўлган гаров
мулки ҳисобланган 2012 йилда ишлаб чиқарилган, двигатель рақами 07111701853Н,
кузов рақами рақамсиз, шасси , ранги сарик, давлат
рақами белгиси
бўлган юк ўзи ағдарувчи автомашинасига қаратишни сўраган.

Ишни кўриш вақти ва жойи тўғрисида тегишли тартибда хабардор қилинган
палата ва жавобгар суд мажлисига келмади ва вакил(лар)и иштирокини
таъминламади. Бундай ҳолатда суд, Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий
процессуал кодекси асосан, ишни унда мавжуд материаллар
асосида палата ва жавобгар вакил(лар)и иштирокисиз кўришни лозим топади.

Суд мажлисида иштирок этган даъвогар банк вакили даъво талабларини
қувватлаб, даъво аризасида қайд этилган важларини такрорлаб, жавобгар кредит ва
унга ҳисобланган фоиз қарздорликларни мунтазам равишда тўламасдан
келаётганлигини, бу билан шартнома шартларини жиддий бузаётганлигини маълум
қилиб, даъво аризасини қаноатлантиришни сўради.

Суд, даъвогар банк вакилининг тушунтиришини тинглаб, ишдаги мавжуд
ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, қуйидаги асосларга кўра палатанинг даъвогар
манфаатида киритган даъво аризасини қаноатлантиришни лозим топади.



Иш ҳужжатларига кўра, даъвогар ва жавобгар ўртасида 2019 йил 21 октябрда 65-сонли кредит шартномаси тузилган. Шартномага кўра, “банк” “қарз олувчи”га моддий техника базасини ривожлантириш учун [REDACTED] кредит ажратиш (қарз бериш), қарз олувчи эса ажратилган кредитнинг асосий қарз суммаси ва унга ҳисобланган фоизларни мазкур шартномада қайд этилган муддат ва шартлар асосида қайтариш мажбуриятини олган.

Шартнома йиллик 26 фоиз [REDACTED] тўлаш шarti билан 3 (уч) йил муддатга жами [REDACTED] тузилган.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик кодекси (кейинги ўринларда ФК деб аталади) 744-моддасига кўра, [REDACTED] шартномаси бўйича бир тараф - банк ёки бошқа кредит ташкилоти (кредитор) иккинчи тарафга (қарздорга) шартномада назарда тутилган миқдорда ва шартлар асосида пул маблағлари (кредит) бериш, қарздор эса олинган пул суммасини қайтариш ва унинг учун фоизлар тўлаш мажбуриятини олади.

Даъвогар шартнома шартларини бажариб, жавобгарга моддий техника базасини ривожлантириш учун [REDACTED] сўм миқдорида пул маблағлари (кредит)ни ажратиб берган. Бироқ, жавобгар ўз зиммасига олган мажбуриятларни лозим даражада бажармасдан, кредит шартномасининг ажралмас қисми бўлган тўлов графиги бўйича асосий кредит ва унга ҳисобланган фоизларни ўз вақтида тўламаган. Натижада жавобгарнинг банк олдида [REDACTED] сўм муддати келмаган кредит қарздорлик [REDACTED] муддати ўтган кредит қарздорлик ва унга ҳисобланган [REDACTED] фоиз қарздорлиги мавжудлиги қайд этилган. Ушбу ҳолат ишдаги мавжуд шартнома, маълумотнома ва бошқа ҳужжатлар билан ўз тасдиғини топади.

ФК 236-моддасига асосан мажбуриятлар мажбурият шартларига ва қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ, бундай шартлар ва талаблар бўлмаганида эса - иш муомаласи одатларига ёки одатда қўйиладиган бошқа талабларга мувофиқ лозим даражада бажарилиши керак.

ФК 735-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ, қарздор олинган қарз суммасини қарз шартномасида назарда тутилган муддатда ва тартибда қарз берувчига қайтариши шарт.

Бундан ташқари, ФК 738-моддасига кўра, қарз олувчи қарз суммасининг қайтариб берилишини таъминлаш юзасидан қарз шартномасида назарда тутилган мажбуриятларни бажармаса, шунингдек қарзнинг таъминоти қарз берувчи жавобгар бўлмаган вазиятларда йўқотилса ёки унинг шартлари ёмонлашса, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, қарз берувчи қарз олувчидан қарз суммасини муддатидан олдин қайтаришни ва тегишли фоизларни тўлашни талаб қилишга ҳақли. Бу ҳақида Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Олий хўжалик суди Пленумининг 2006 йил 22 декабрдаги “Кредит шартномаларидан келиб чиқадиган мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш тўғрисидаги фуқаролик қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида”ги 13/150-сонли қарори (кейинги ўринларда Пленум қарори деб аталади)да тушунтириш берилган.

Шу сабабли суд, [REDACTED] ва унга ҳисобланган [REDACTED] фоиз қарздорликни ундириш тўғрисидаги даъво талабларини асосли деб ҳисоблаб, қаноатлантиришни лозим топади.



Бундан ташқари, даъвогар муддатдан олдин, муддати ўтган асосий кредит ва фоиз қарздорлик бўйича ундирувни жавобгарга тегишли бўлган гаров мулкига қаратишни сўраган.

Иш хужжатларида кўринишича, кредит қайтарилми таъминоти сифатида жавобгарга тегишли 2012-йилда ишдаб чиқарилган двигатель рақами

бўлган юк ўзи ағдарувчи автомашинаси гаровга қўйилган бўлиб, бу ҳақиқатлар флар ўртасида 2019 йил 05 майда гаров шартномаси тузилган. Мазкур шартномаси тегишли тартибда нотариал тасдиқланган.

“Гаров тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 26-моддаси биринчи қисмига кўра, гаровга олувчининг (кредиторнинг) талабларини қондириш учун ундирувни қарздор гаров билан таъминланган мажбуриятни ўзи жавобгар бўлган вазиятларда бажармаган тақдирда ёки лозим даражада бажармаганда гаровга қўйилган мол-мулкка қаратиши мумкин.

Юқорида кўрсатиб ўтилган Қонун талаблари ва Пленум қароридаги тушунтиришларга риоя қилиб суд, даъвогарнинг муддатдан олдин, муддати ўтган асосий кредит ва фоиз қарздорлик бўйича ундирувни жавобгарга тегишли гаров мулкига қаратиш тўғрисидаги даъво талабини қаноатлантиришни лозим топади.

Шу билан бирга суд, давлат божи ва почта харажати масаласини муҳокама қилиб, Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси 116, 118-моддасига мувофиқ, давлат божи ва почта харажатини тўлиқ ҳажмда жавобгар зиммасига юклашни лозим топади.

Юқоридагиларга асосан, Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси 112, 113, 114, 116, 118, 170, 176, 128-180-моддаларини қўллаб, суд

Қ а р о р к и л д и :

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси [redacted] манфаатида киритган даъво аризаси қаноатлантирилсин.

Жавобгар “ [redacted] ” масъулияти чекланган жамияти ҳисобидан даъвогар даъвогар “ [redacted] ” тижорат банки фойдасига [redacted] кредит қарздорлик ва унга [redacted] сўм фоиз қарздорлик ҳамда олдиндан тўланган 30 000 сўм почта харажати ундирилсин.

Ундирув тарафлар ўртасида 2019 йил 05 майда тузилган гаров шартномасига кўра жавобгар [redacted] масъулияти чекланган жамиятига тегишли бўлган, [redacted]

[redacted] ранги сарик, давлат рақами белгиси [redacted] бўлган юк ўзи ағдарувчи автомашинасига қаратилсин.

Жавобгар “Kattaqo'rg'on gulzor sayqali” масъулияти чекланган жамияти ҳисобидан Республика [redacted] сўм давлат божи ундирилсин.

Ҳал қилув қарори қонуний кучга киргач ижро варақаси берилсин.

Ҳал қилув қароридан норози тараф шу суд орқали Самарқанд вилоят судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов хайъатига апелляция тартибда шикоят бериши (прокурор протест келтириши) мумкин.

Судья

М.Тоғаев

